


# OILA VRASIDA

№ 17  
(467)  
2021-yil  
22-aprel  
payshanba

«Oila» jurnali

Gazeta 2012-yil may oyidan chiqqa boshlagan.



**ҚАДРИНГИЮ ҚАДДИНГИ  
ҚАЧОН КЎТАРАСАН,  
ЎЗБЕК АЁЛИ?..**

— — — — — 6-7-бетлар.



## ҲАҚИҚАТГА

## ТИК ҚАРАНГ, ЖАНОБ!

Бугун баъзи замоннинг «ахли дониш»лари гаджетлар-у, сайтлар орқали дунёни забт этиш мумкин, деб ўйлашади. Лекин бу доноларнинг хаёлига ҳам келмайдики, гаджетлар ҳатто пойтахт Тошкентда ҳам яхши ишламаяпти. Қишлоқларни гапириш эса мутлақо ортиқча! Мана, янги гап, яқингинадаги гап: Россияда чиқадиган «АиФ» газетасида ёзилишича, Россия бош вазири ўринбосари Дмитрий Чернишенко мамлакатнинг ҳудудини 2030 йилгача интернет билан тўлиқ таъминлашга бор кучимизни сарфлаймиз, деб баёнот берган. Ҳали буям бир ваъда. Амалда қачон бўлишини вақт кўрсатади. Биз Россиядан бу борада илғорлаб кетмагандирмиз ёки адашдимми? Бирови Европада, Америкада ўқиб келиб Ўзбекистонда Америка дунёсини тасаввур қилса, биз айбдоримизми?

Иккинчидан, қани маҳалларимизнинг бутун бўйи-бастини ёки биронта соҳанинг сир-асрорларини ўзбек тилида муфассал ёритиб берадиган, ёхуд мукамал билим ё ахборотни излаб топа олиш мумкин бўлган биронта сайт борми? Бу саволни нега ҳеч ким бермаяпти? Нега вазирни бу жиддий масала ўйлантирмаслиги керак? Қолаверса, гаджетларнинг йўли бошқа! Ижтимоий тармоқларнинг ҳам функцияси бошқа! Информация билан маърифатнинг, ахборот ва маълумот билан таҳлилнинг фарқи қачондан бери боролмай қолдик?

(Давоми 2-бетда)

«Газетанинг замони ўтпти».

Бу – баъзи бўлмағур одамларнинг гапи! Ва баъзи маърифатдан узоқ раҳбарларга ёқаётган гап.

Яқинда маҳалла ва оилани қўллаб қувватлаш вазирига узоқ йиллар хотин-қизлар кўмитаси кўмаги ва муассислигида нашр этилиб келинган ва оддий одамларга, халққа яқин бўлиб келган нашримиз - «Оила ва жамият» таҳририяти вакиллари киришибди. Газетанинг ҳозирги молиявий аҳволи оғирлигини айтиб, обуна ташкил қилишда ёрдам сўрашибди.

Ва кутилганидек, рад жавоби берилган.

Алам қилади! Биласизми, биз «Оила ва жамият»да шакланган янгича журналистика мактабидан кўп нарса олиб катта бўлган авлодмиз, газетачилик анъаналарини ҳеч ҳам эсдан чиқаролмаймиз. Бир вақтлар бу газетанинг адади ҳозирги энг кўп чиқаётган нашрдан ҳам бир неча баробар кўпроқ эди. Ва у ўйлайманки, бугунги манами деган мутасадди ташкилотдан кўра одамларга яқинроқ, дардкашроқ, ҳамдардроқ эди. Бу катта ва жуда кўп меҳнатлар эвазига эришилган эътироф. Буларнинг ўрнига нима бор? Ҳозир ўша яқинликка ета оладиган ўзаро яқинлик, алоқа йўқ-ку! Ҳозир уйма-уй юрибимиз. Ваҳоланки, ўша пайтда газеталар борарди уйма-уй...

# «ЮВИШ»НИ ҚАЧОН БАС ҚИЛАМИЗ?

ёхуд мустамлақачилар олиб кирган машъум сиёсат

Мақолани ёзиш учун узоқ ўйландим. Қўлимга тушган маълумотларни қайта-қайта ўқидим. Махтумқули айтганидек, дунё ясаниб, ўзини кўз-кўз қилиб, қалбимга соя ташлайверди, ташлайверди. Ўткинчи дунё дедим. Аммо безакларига, матоҳларига ишқим тушаверди. Дунёга ишқим ортаверди. Танамни боқавердим. Дунёвий орзуларим семираверди. Жалолиддин Румий қулоғимга шивирлагандай бўлди: «Вужудингни кеча-кундуз моддий озика билан боқасан. Вужуд сенинг отинг. Дунё — от охури. Отнинг еми эгасининг емиши бўлолмайди». Ўзимга зулм қилаётганимни билсам-да отбоқарликдан қутулолмадим. Балким мулоҳазаларим ҳам отбоқарнинг бир лофидир.

### АЛКОГОЛ ВА МУДҲИШ ЖИНОЯТ

2021 йилнинг март ойида Навоий вилоятида содир этилган учта мудҳиш жиноят негизда спиртли ичимлик истеъмоли билан боғлиқ ҳолат қайд этилган. 16 март. Навбахор туманининг Қалқон ота маҳалласида 52 ёшли фуқаро ичкилик таъсирида ошхона пичоғи билан 40 ёшли «шишодоши»ни ўлдирган. 18 март. Зарафшон шаҳрида

яшовчи фуқаро спиртли ичимлик истеъмоли қилган ҳолда турмуш ўртоғи ва унинг танишларини пичоқлаган. 24 март. Кармана туманида яшовчи фуқаро маст ҳолда қотилликка қўл урган...

От емиш берган эгасини тепади, мана шундай мажруҳ қилади. Бундай емишга қачондан ружу қўйдик? Нега унга бунчалар боғланиб қолганмиз? Тўю маросимларимизнинг «кўрки» деб биламиз. Қийналганда, сиқилган-

да кўнгил ёзилади, деймиз. Ўзимизни алдаймиз.

### ЭСКИ НАҒМА

Жиянимга Аллоҳ тўрт нафар киздан сўнг ўғил берди. Хурсанд. Сабр қилган қулини Яратган шундай сийлади. Дунёвий ўлчам билан олганда, биров яхшилик қилса, миннатдор бўласан. Раҳмат айтасан. Алқайсан. Дуо қиласан. Бебаҳо гавҳар берган Зотга-чи? Ҳаром

қилинган, қайтарилган амални бажариб жавоб берасанми?! Афсус, жияним ҳам шундай қилди. «Ювмасак бўлмайди», деди. Юзлаб меҳмонлар чақириб, ароқ, шароб тортиди. «Одатимиз шундай» деб минғирлади. «Аллоҳ нима дейди?» эмас, «одамлар нима дейди?», деган эски нағмани айтди.

### ҚУЛИМНИНГ ҚУЛИ

Бир авлиёсифат инсон бадавлат хотамтойга «қулимнинг қулидан нарса олмайман», деди. Сиз-чи, оласизми? Нафсини қул қилган бойми ёки нафсига қул бўлган? Яратганга қулликдан кўра нафсга қуллик лойимизда борми? Билмадим, билолмадим. Спиртли ичимликларга қачондан боғланиб қолганимизни қулга қул бўла бошлаган давримиздан излашда мантқиқ бормикан? Ақл нима дейди? Воқелик-чи?.. Яқин мазийдан саволга жавоб излаб кўрайлик.

(Давоми 3-бетда)



# ҲАҚИҚАТГА ТИК ҚАРАНГ, ЖАНОБ!

(Бошланғич 1-бетда)

Яна минг афсуслар бўлсинки, бугун кичикни кичик десак, баъзи бир ўзини катта билмишлар ҳам телеграм, фейсбук ва бошқа хил ижтимоий тармоқ хизматларини ҳам оммавий ахборот воситаси деб тушунмоқдалар. Ахир, қўлида телефони бор лекин на маълумоти, на бирон матбуотга оид мутахассислиги, на бирон жойда тайин ишхонаси бўлган одам қандай қилиб матбуот вакили ҳисобланади?!

Кўчада юрган одам борки, сўз эркинлигидан фойдаланиши мумкин, албатта. Бу ҳар бир фуқаронинг ҳуқуқи. Аммо айтилик, биров ўзини блогерман деб атаса, бир думалаб ОАВ ходими, ҳатто раҳбарига айланиб қолаётганларга энди раҳбарларимиз «эргашиб» кетавермаслиги жоиз. Йўқса, ҳақиқий матбуот билан, кўчадаги «шантажчи»нинг фарқи қолмайди.

Ўйлаб кўринг, истаган киши маълумотли бўлсин, аммо мутахассис бўлмаса, оқ халат кийиб олгани билан шифокорга айланиб қолмайди-ку!

Шундай экан, минг тасвирга олсин, ижтимоий тармоқларда профил очиб «Америка очсин», профессионал касбга эга бўлмагач, бирортаси валломат бўлса ҳам журналистга айланиб қолмайди.

Ҳа, шундай! Қолаверса, биронта фанни чуқур ўрганиш, мавзунини тўлиқ англаб етиш учун ўзбек тилида тўлақонли ахборотни интернетдан олиш имкони йўқ экан, нима қиламиз чираниб? Қани мантлик?

Шу боис, мен жамиятни газеталарга қарши қўйган кимсаларни маънавият ва маърифат қушандлари дегим келади. Гап босма матбуотда нон еяётганларнинг ишсиз қолишидан хавотир олишда эмас. Уларга кун сайин «саводи гуллаб бораётган» юртимизда иш топилади. Топилганда қандоқ! Фақат юртга чин муҳаббат ва садоқат билан хизмат қилаётган соҳани оёқ ости қилишларига чидаб бўлмайпти.

Масала бундан кўр-кўрона рад этиш топширигини берганлар, бу ишдан «ўлгудек кўриб яшаётган» раҳбарларнинг ношудлиги ҳақида. Майли, менга қўшилмаслигингиз мумкин. Аммо эшитинг! Мен айтмоқчи бўлаётган аргументларни тарозига солиб кўринг. Кейин фикрингиз ўзгарар балки...

Президент Ўзбекистонни маънавияти баланд мамлакатга айлантиришни истаяпти. Астойдил, чин қалбдан ёниб истаяпти. Учинчи Ренессанс деганининг замирида бугунги эмас, эртанги жараёни назарда тутаятган Юрт Раҳбари бугун ўша ёруғ кунга пойдевор қўймоқчи.

Маорифга сарфланаётган маблағ-у, эътиборнинг чеки йўқ. Маънавиятни энг муҳим масала сифатида неча бор кун тартибига қатъий қилиб қўйилаётганини-ку такрорлашга ҳожат йўқ. Матбуот ва ҳаттоки «мажбурий обуна» деган атамагача шахсан гапирди-я...

Лекин Президентнинг бу гапи нега ижрога қаратилмайпти?

Хўш, айтинг, жаноб «беназир»лар, сизнингча, маърифат қайси воситалар орқали жамиятга етиб боради? Учрашувлар орқалими? Маънавият бўйича ҳар доим мажлисга борувчи маълум тоифадаги жамоаларга ўқиладиган ва қарсақлар билан ўтиб кетадиган икки

соатлик мажлислар жамият саводини оширади, деб ҳалиям ишонаёпсизми, балким шундай деб одамларни ишонтирмоқни истарсиз? Ҳаётга кўзимизни очиб қарайлик. Шу пайтгачаям, бундан кейин ҳам бу усул билан жамият ўзгармаган, ўзгармайди, нафақат ўзгармайди, биз вақтдан ютқазамиз холос. Бундай тадбирларнинг «юз йиллик» «эскперт»ларига бир боқинг. Баъзилари коммунистик партия ғояларини ҳам тарғиб қилган, вақтида!

Одам уларнинг орасида кучли салоҳиятга эга бўлган психологлар, файласуфлар, илм-



ф а н намоёндалари, адабиётнинг нуқтадон билимдонлари бўлишини истайди. Қаёқда дейсиз? Маънавиятнинг оёғини кишанлаб келганларнинг баъзилари ҳам ҳали минбарлардан тушгани йўқ! Нима қиламиз яшириб?

Ахир бугун ижтимоий тармоқларнинг очик информацияларига тобора тўйиниб бораётган жамоатчиликка расмий маърузалардан бир жўяли таъсир қила олишига ишониш нодонликдан бошқа нарса эмас.

Иккинчи жиҳат, аҳли жамоанинг бош объекти маҳалла, тўғрими? Хўш, маҳаллада ҳозир маърифатнинг ўрни қандай? Янаям аниқроқ кўямиз масалани: Ўзбекистонда бугун қанча фоиз маҳаллага зиёлилар раислик қилмоқда? «Зиёли» дегани жуда кўпол айтганда, диктант ёзса хато қилмайдиган одам дейлик. Назаримда, бу саволга Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирининг ўзи ҳам жўяли жавоб бера олмайди. Чунки бунана реал маълумот унда йўқ эканлиги аминман.

Хўш, маҳаллага давлат томонидан қўйилаётган вазифалар қайси йўл билан етиб борапти? Мажлисларда, дўқ-пўписа билан! Тўғри! Аммо бу раиснинг ўзига борадиган топшириқлар. Аммо маърифий информацияларчи? Биз кўп ҳолларда ҳокимларнинг дунёкараши ва раъйдан келиб чиқиб сайланган маҳалла раисларининг салоҳиятига ишонамиз. Ишонмайлик! Бу тўғри йўл эмас. Улар газета ўқимаса, лоақал «Ахборот»ни кўрмаса, қанақа қилиб давлатнинг манфаатини ўйлайди. Ўйлайди эмас, аввало тушуниши, билиши керак-ку ахир! Ҳозир амалда улар фақат ҳокимнинг берган топширигини бажариш ва мажлисда гап эшитмаслик ҳақида ўйлайди.

Ахир вазирлик ва қўмиталар, агентликлар бугунги замон талаби билан ишламоқчи бўлса, аҳоли, жамоатчилик, ҳеч курса, ўзининг тасарруфидаги ташкилотларга ўзи ҳақида, йўналишдаги

ислохотлар ҳақида муфассал ахборот етказиб туриши шарт-ку! Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлигининг сайтига кириб, сиз ўзингизни соҳага монанд қизиқтирган саволларга жавоб излаб кўрингчи, «қорнингиз тўяр»микан?

Шунча гапдан кейин... «Оила ва жамият» газетаси «ўлди!» Мен яна бир худди шу тақдир билан рўбарў бўлиб турган бошқа бир нашр ҳақида ўйлаб қоламан. Бу бевосита маҳалла фаолиятига ихтисослашган «Маҳалла» газетасидир. Унинг бир-иккита сониди мақоаларнинг сарлавҳаларини келтираман: «Маҳалла раисига

суиқасд қилинди», «Қорингами ҳал этилса, бас. Бугун дард-у ташвишимиз шу», «Оғир аҳволдаги мактабларнинг таъмирига неча йил керак?», «Амалдорлар болаларини ахлоқсиз қилиб тарбиялаётими?», «Ичкиликни қоралаймиз, аммо нега дўконлар кўпаймоқда?», «Ишсиз фуқароларга иш қидириб кунимиз ўтапти», «Ҳар ким ўз вазифасини бажарса бўлгани»... сарлавҳаларнинг ҳеч бири маҳалла мутасаддисига бегона эмас, уларда кўтарилган мавзулар шубҳасиз оксоқоллар, раисларнинг дунёкарашини оширишга бел боғлаб турибди.

Айтинг, бундай маърифий қувватни яна қаердан олади улар?

Бугунги кунда ҳафтасига 24 саҳифа чиқаётган «Маҳалла» Россиянинг «АиФ» нашри услубида, ниҳоятда долзарб ва ўқишли чикмоқда. Вазир аслида тарғибот нуқтаи назаридан ўзи учун бундан кучлироқ суянчик, ёрдамчи тополмаслиги аниқ. Яна бир ҳақиқат шуки, газета ҳозирда ҳар қандай босма нашрга ҳам услуб, ҳам талқин, таҳрир ва ҳам чиройли безак даражасида баландлик қиламан, дейдиган нашр. Шундай экан, соҳа раҳбарияти бу катта тирговушни нега ўзидан итараяпти? Ахир, газетанинг бу қадар керакли дўст эканини англаш учун нима етишмаяпти? Бундай нашрларни кучли мутахассислар, муҳаррирлар-у, дизайнерлар чиқара олади. Иккиланмай айта оламанки, «Маҳалла»нинг ҳар қандай сониди берилган материаллар тўплами ҳам даражаси, ҳам долзарблиги ва ҳам қўлами ва сони жиҳатидан мана-ман деган сайтни орқада қолдиришга қодир. Мана, парадокс!

Вазир эса бу ҳақиқатни тан ҳам олмайди, бунга эътибор ҳам қаратмоқчи эмас. Хўп, газеталарни илгари ўқимас эдик, ростки «тез ўқиладиган» эди кўпчилиги. Лекин бугун бундай эмас-ку! Бугун одамларни ўйлантирадиган, муайян мавзуларга омманинг тўғри фикрини шакллантира оладиган кучга эга бўлиб қолганида таҳририятлар фаолиятига бу қадар совуқ муносабатнинг боиси нимада? Ваҳоланки, газета вазирга керак бўлмаса, маҳаллалардаги оксоқолларга, миллионлаб юрт ишқиди ёнаётганларга керак-ку! Ҳеч курса шуни тушуниш наҳотки мумкин эмас?

Яна битта аччиқ ҳақиқат шуки, агар вазирлик бугунги бутун девони билан ҳаракат қилса ҳам бир ҳафтада шу газетанинг таъсир куччалик таҳлилий иш, таъсирли маърифат, ўқишли илм тайёрлаши даргумон! Мен бунинг аксини

исботловчи радияни тинглашга, ўқишга ва агар исботи бўлса, мардларча қўл кўтаришга тайёрман!

Тўғриси, мен ҳозирги маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирини шахсан танимайман, унга ҳеч қандай хусуматим ва давоим ҳам йўқ. Фақат бир пайтлар маҳалла фаолиятини изчил ёритган журналист сифатида тизимнинг бундай маҳдуд ахборий аҳволига нисбатан бефарқ қолгим келмайпти. Қолаверса, газеталардек жамиятнинг дўстларига қарши бўлган ҳар қандай раҳбарда замон сиёсатининг амалдаги ижросига, унинг оддий одамлар қалбига етиб боришига қарши бўлган шахсни кўравераман.

Шахсан ўзим мажбурий обунага қаршиман. Ҳозир бунинг барча сабабларини ёзиб ўтирмоқчи эмасман. Битта сўз билан айтганда, мажбурий обуна шу пайтга қадар бўлса, учта-тўртта газетага фойда келтиргандир. Келтирган бўлса агар! Аслида бу, энг аввало, уни ташкил қилганларни бокадиган коррупцион схема. Буни далиллаш учун узокдаги архивларни титкилашга ҳожат йўқ, 2020 йилги ишлар ҳам яққол кўрсатиб турибди. Шундай экан, келинг, бошдан дўппини олиб бир жиддий мушоҳада қилиб кўрайлик. Нима қилсак бўлади?

Мард бўлайлик, қачонки нашр ўз муассиси талабига монанд эмас экан, унга ёрдам беришни талаб қилишнинг ўзи ортиқча. Бироқ «Маърифат», «Оила даврасида», «Жамият», «Маҳалла» каби элга ҳам, соҳа зиёлиларига ҳам маъқул ва керак бўлган нашрларни вазирлик ва идоралар муассис сифатида сақлаб қолишлари, нафақат сақлаш, балки шу юрт равнақи учун, жамиятда тўғрилиқ, адолат тамойилларининг барқарор бўлишига хайрихоҳ бўлиб ривожлантириш, кенг омманинг арзон кўмакчисига айлантиришлари зарур ва шарт деб ўйлайман.

Мисол учун, «Маҳалла» нашри таҳририятини вазирлик бюджетига ўтказиб, уни барча маҳаллаларга ўз вақтида етказиб бериш тизими яратилса, муаммо ўз ечимини топади. Унинг адади қанча кўп бўлса, газетанинг таннархи ҳам тобора арзонлашиб боради. Бу барчага маълум. Кези келганда, бир гап. Халқ таълими вазирлиги, олайлик, «Гулхан» журналининг ҳеч бўлмаганда ҳар бир синфга бир донадан етиб боришни режалаштирганида эди, унинг бир донаси, йўқ, бир йиллик баҳоси эллик минг сўмдан ошмас экан. Мен бу рақамни балким озгина муболага билан ёзаётгандирман, аммо 30 кишилик битта синфга 300 минг сўмлик обуна ҳам ҳар бир болага 10 минг сўмга айланар эди. Хўш, бу билан ким ютар эди? Жавоби аниқ!

Қолаверса, журналистлар вазир ёки раиснинг эмас, соҳанинг дўстларидир. Вазирлик тизим сифатида катта ишларни зиммасига олган тузилма. Нашрлар бу тузилма мутасаддиларининг кўзини очишга, ҳаттоларини тўғрилашга ёрдам беради. Аслида рост гапни айтиб турадиган асл дўсти кўп раҳбар камроқ адашиши ҳам ҳақиқат эмасми? Бу жуда кўп изоҳ ва тушунтириш талаб этмайдиган ҳақиқат. Кимки, журналистларга очик юз билан қарашни истамас экан, у раҳбар ҳақиқатдан кўрқадиган одамдир.

Дарвоқе, гап келганда, тўхтатиб ўтирмадим. Бизга Америка-ю, Европани тарғиб қилаётган баъзи замонавий раҳбарларимизга эса савол бор, ҳақиқатга тик қаролмайдиган раҳбарлар Америкада қандай йўл тутишади, Европада жамоатчилик олдида обрўси бўлмаган вазирнинг қарори қандай бўлади? Биз биламизки — ИСТЕЪФО!

Нега унда бу қоидага риоя этмайсиз? Эҳхх...

Майли, бу энди бутунлай бошқа мавзунинг бошламаси...

Хусан ЭРМАТОВ

(«Хуррият» газетасининг  
2021 йил 21 апрелдаги  
№ 17-сонидан олинди)



# «ЮВИШ»НИ ҚАЧОН БАС ҚИЛАМИЗ?

Ёхуд мустамлакачилар олиб кирган машъум сиёсат

(Бошланғичи 1-бетда)

## ҚОДИРИЙНИНГ КИНОЯСИ

Абдулла Қодирий «Муштум» журнаlining 1923 йил, 15 март, 3-сонидаги «Нима қаёққа кетадир» сарлавхали материалда «Бойбачанинг топқани «Турквино» билан баришнахонларга кетади», деб ёзган. Бу киноя замирида нима бор? Қодирий бобо менга йўл кўрсатгандек бўлди. Миллатнинг оғриқларига, дардларига дармон бўлишни истаган ёзувчи бежиз бундай демаган. Туркистон фарзандлари ёвга тик қарамаслиги учун бошига уришди. Қамчи билан, қилич билан. Бўлмади. Зарарли одатлар билан маънавиятига, қалбига қора тортишди. Иш берди. Қир, қурум аста-секин ўрнаша бошлади.

Москвада олий ҳарбий кенгаш томонидан 1924 йилда чоп этилган «Гражданская война» китобининг электрон вариантини ўқиганимда бир муҳим тарихий факт эътиборни тортди. Китобда муаллиф Д.Зуевнинг «Фарғона босмачилиги (1918-1922 йиллар)» номи асарида бу ҳақда келтириб ўтилган. Дмитрий Зуев 1890 йилда туғилган, ҳарбий унвони полковник. 1924-1928 йилларда жосуслик билан шуғулланади. Тошкентда ҳам бироз муддат ишлаган. 1931 йилда хиёнатда айбланиб, отиб ташланади. Тарихчи Нодирбек Хамаев «Ўзбекистонда Совет ҳокимиятига қарши қуролли ҳаракат ва ҳарбий матбуот» номи илмий мақоласида Д.Зуевни ҳарбий журналист деб атайди.

Муаллиф кимга нисбатан хиёнатда айбланган? Калаванинг учини шу ердан топишга уринсак. Буни тилга олинган китобда унга ажратилган бобни ўқиган киши англайди. Яъни Д.Зуев шўроларнинг Туркистондаги амалдорлари томонидан нотўғри сиёсат юритилгани оқибатида маҳаллий халқнинг норозилиги ортганини ёзади. Очиғи, мустамлака зулмидаги аҳоли манфаатини ўйлаб, шундай қилганига шубҳам бор. Мақсад шўронинг нотўғри сиёсат олиб боргани халқнинг тинка-мадорини қуритганини, норозиликлар келтириб чиқарганини айтиш, бундан тўғри хулоса чиқаришга даъват этиш бўлган, назаримда. Аммо мавзуга алоқадор қисми чор Россияси юритган сиёсатни қоралашга қаратилган жойида.

«Фарғонадаги босмачилик (1918-1922 йиллар)» асарининг «Оқ подшо бошқаруви даври» деб номланган 2-боби. Унда йигирманчи асрнинг бошларида Фарғонада маънавий-ахлоқий муҳит бузила бошлагани тилга олинади.

Китобнинг 24-бетиде жумладан шундай ёзилган: «Аҳоли айрим қатламида пулнинг кўплиги ахлоқ бузилишига, хусусан, ёшлар ўртасида ахлоқсизлик урчишига сабаб бўлди. Ичкиликбозлик, фоҳишалик ва қиморнинг авж олиши ахлоқсизликларни келтириб чиқараётган рус бошқаруvidан диндорлар ва кексаларда норозиликни кучайтирди. Шунини таъкидлаш жоизки, ёш авлод ўртасида жиноятчилик ва ахлоқсизлик кучайиши оқкупантлар томонидан олиб қирилган ичкиликбозлик билан характерланади». Ичкиликбозлик, фоҳишалик ва қимор. Маҳаллий аҳоли маънавиятини бузиш, халқда ислом дини асосида шаклланди қадриятларга дахл қилиш учун муҳим қурол, дегани бу.

Буни қарангки, миллоддан аввалги VI асрда яшаган Хитой файласуфи ва ҳарбий арбоби Сунь Цзи бир миллатни қарам қилишнинг мумтоз усулини шундай ифодалаган: «Душманларингизнинг анъаналарини қадрсизлантириш ва ўз худоларига ишончини йўқотиш учун қўлдан келган ҳамма нарсани қилинг, маънавий бузилишни авж олдириш учун енгилтабиат аёлларни юбориб туринг». Юмшоқ сиёсатда қўлланиладиган бундай усул мустабидларга ҳам асқотган кўринади.

Муаллиф Зуев Фарғона вилояти статистика кўмитаси расмий нашридан шундай иқтибос келтиради: «1909 йилда илк бора кишлок жойларида иккита улгуржи савдо қиладиган вино омбори очилди. 1911 йилга келиб эса улар сони 148 тага етди. Ичкиликбозлик маҳаллий аҳоли орасида хавотирли даражадаги тезлик билан ўсиб борди. Шу билан бирга, майфурушлик ҳам шаклланди, арокни ҳатто кўплаб маҳаллий чойхоналарда сота бошлашди».

Икки йил ичида спиртли ичимликлар билан савдо қиладиган омборлар 74 баробарга ортганига эътибор беринг. Зуевнинг қайд этишича, ичкиликбозлик билан бирга жиноятчилик ҳам ўса борди. Шу ўринда китобнинг 24-саҳифасида вилоят статистика кўмитасининг жиноий жавобгарликка тортилганлар билан боғлиқ жадвали келтирилади. Ундаги рақамларга эътибор қаратинг:

Ҳукм қилинган давр	1890 йил	1900 йил	1911 йил
Округ судлари томонидан	88	123	294
Жаҳон судлари томонидан	415	564	1974
Халқ судлари томонидан	917	1253	1493
Жами	1420	1940	3761

Муаллиф бу рақамларни келтирар экан, 1911 йилда жиноятчилик ҳаддан зиёд ортгани, вилоятда 245 та талончилик, 216 та қотиллик, 300 та ўғрилик содир этилганини ёзади. Ҳукм қилинганларнинг умумий сонига эътибор беринг. 1900 йилда 1940 нафар, 1911 йилда эса 3761 нафар. Салкам икки баробарга ўсган.

## САМАРҚАНД, ТОШКЕНТ...

Яна бир манбани кўздан кечирсак. Ҳарҳолда ҳақиқий манзарага ойдинлик киритишда, муаммони қиёсий ўрганишда бу муҳим. Д. Алимова масъул муҳаррирлигида «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси бош таҳририяти томонидан 2001 йилда чоп этилган «Тарих шохидлиги ва сабоқлари: чоризм ва совет мустамлакачилиги даврида Ўзбекистон миллий бойликларининг ўзлаштирилиши» деб номланган китоб. 148-150 бетларини очамиз. «...Маълумки, илгари ўлкада маҳаллий аҳоли ароқ-вино истеъмол қилмас ва уни тайёрлашга ҳам эҳтиёж йўқ эди. Тошкент босиб олингандан кейин босқинчи қўшинлар ва зобитлар бекорчиликдан зерикашиб, ичкиликка эҳтиёжлари катталигини кўришган рус ишбилармонлари ароқ-вино заводлари қуриш ҳаракатларини бошлаб юбордилар. Масалан, савдогарлар И.Первушин ва

А.Хренниковлар 1867 йил 16 мартда Оренбург г е н е - р а л - г у - б е р - н а - т о - р и -



дан Тошкентда ароқ ва вино заводлари очишга ружсат сўраб мурожаат қилишган.

Генерал Черняев қўшинлари билан бирга Тошкентга келган ишбилармон Д.Филатов ҳукуматдан ружсат ҳам сўраб ўтирмасдан спиртли ичимликлар билан савдо қиладиган ковоқхона очди. Бирок, у Тошкентда ўзига ўхшаган олғирлар кўпая бошлаганини кўргач, руслар Самарқандни



эгаллашганидан фойдаланиб, 1868 йили бу шаҳарга келди ва спиртли ичимликлар билан савдо қилишни бошлаб юборди. 1870 йили у катта майдондаги тоқзорларни сотиб олиб, ароқ заводи қуришга киришди. Виночилик билан Россиядан келган сармоядорлар шуғулланишган. Самарқанддаги энг йирик виночига айланган Д.Филатовнинг қўл остида бир кунда 10000-15000 челақ (1 челақ 10 л бўлса, 100 000 -150 000 л) вино тайёрланган. Бундан ташқари, Пороховский виночилигида кунига 6 минг челақ (демак 60000 л), Толчинов қўл остида эса кунига 4 минг челақ (демак 40 000 л) вино тайёрланган. Шу йўсинда ўлкада спиртли ичимликлар ишлаб чиқариш тобора авж олди. Тошкент шаҳар идора бошқармаси маълумотига кўра, 1868 йили шаҳарда 5 та ароқ заводи ишлаб турган бўлса, 1870 йили олтинчи ароқ заводи ҳам қурилди. Бу заводларда 88 киши ишлаб, улар йилига 2 млн.541 рубллик маҳсулот ишлаб чиқарилган».

Шунингдек, китобда келтирилишича, XIX асрнинг 80-йиллари ўртасида виночиликда биринчи ўринни Самарқанд, кейинги ўринларни Тошкент, Каттақўрғон, Қўқон, Марғилон шаҳарлари эгаллаган. Нега айнан бу шаҳарлар рейтингда юқори. Аҳолининг ўзида ҳам мойиллик бўлганми ёки миллий озодлик ҳаракатини бўғишда, аҳоли ўртасида ахлоқсизликни ёйишда алкоголь восита бўлганми? Аввало, босиб олинган бу худудларда узум ва мевалар мўллиги сабабли чор маъмурлари ва ишбилармонлари мўмай даромад қилишни ҳам ўйлаган. Халқнинг кўз ёшлари билан тўлган денгиздан бойлик тўплашдек хирс устунлик қилган. Вино маҳаллий истеъмолдан ташқари, Россия бозорларида ҳам яхши даромад берган. Масалан, 1894 йилда

ўлкадан 27000 челақ вино (273 000 рубль нарҳида) олиб кетилган. Бу моддий манфаат. Бироқ сиёсий манфаат билан уйғун олиб борилганини Зуевнинг китобидаги иқтибос ҳам исботлайди. Жиноятчилик ва ахлоқсизликнинг кучайиши аслида режада бўлган. Яъни мустабидлар Туркистонда ижтимоий ҳаёт қонуларини, диний-маънавий негиздан озикланадиган анъаналар, қадриятларни издан чиқаришда қилич иш бермаслигини яхши билган. Демак, алкоголь ижтимоий ва миллий зўравонлик сиёсатида муҳим воситалардан бирига айланган.

## ЎЗБЕКИСТОНДАГИ СТАТИСТИКА

Зуев Туркистонда жиноят ва ахлоқсизлик урчиб кетганини ичкиликбозлик билан боғлайди. Ўзбекистондаги статистикага кўз ташладим. 2020 йилнинг 9 ойи давомида республикамызда 4428 та ўғрилик (12,0%), 2666 та гиёҳвандлик билан боғлиқ жиноятлар (7,2%), 867 та безорилик (2,4%), 695 та қасддан баданга оғир шикаст етказиш (1,9%), 310 та қасддан одам ўлдириш ва одам ўлдиришга уриниш (0,8%), 281 та талончилик ва босқинчилик (0,7%) рўйхатга олинган. Бу статистикада аҳолининг меҳнатга лаёқатли ишламайдиган ва ўқимайдиган қатлами етакчи. Яъни 19,5 фоизни ташкил этган. Энг кўп жиноят мана шу тоифага мансуб. 2019 йилда жами жиноят содир этганлар сони 42487 нафар, 2020 йилда 49246 нафар. Республикада истеъмол моллари ишлаб чиқариш таркибида эса вино, ароқ ва пиво 2019 йилда 2,3 фоиз, 2020 йилда 2,7 фоизга тенг бўлган. 0,4 фоизга ўсган. Талаб бор, тақлиф бўлади. Жиноятчилик ортиши ёки камайишида алкогольнинг ўрни бўйича хулоса чиқаришга фактлар етишмади. Мавзуга ҳали қайтамиз. Асосий фожиамиз мустабидлар қонимизга қўшган бу заҳар маиший ҳаётимизга чуқур илдиз отгани, ичкиликбозлик одат, таомилга айланиб қолганида.

Алижон САФАРОВ



# 120 ЁШЛИ ЎҒИЛЖОН МОМО



Шовот туманининг Бешмарган қишлоғида 120 ёшни тўлдириб 121 ёшга қадам қўйган Ўғилжон момо Эшёзова умргузаронлик қилади. Момо вилоятимиздагина эмас, балки Ўзбекистондаги энг ёши улуг инсонлардан бўлса ажаб эмас.

Ўғилжон момо 1900 йилнинг 16 июлида таваллуд топган. Унинг отаси Эшниёзбек ўзига тўк, бадавлат инсон бўлган, онаси ҳам ўз даврининг илғор саводли аёлларидан бўлиб отинойилик қилган. Маълумки, хонликлар тугатилиб, қизил империя ўз ҳукмронлигини ўрнатгач, катта ер эгалари ва бойларни йўқ қилишга киришилган. Эшниёзбек ҳам Хива қамқонасига олиниб, ўша ерда отувга ҳукм қилинган экан.

Ўғилжон момонинг оиласида ўзи билан бирга уч нафар қиз дунёга келган. Эшниёзбекнинг ўғил фарзанди бўлмаган, шунинг учун ўғлим бўлар, деган ниятда кенжа қизига Ўғилжон деб исм қўйган экан.

Ўғилжон момо бутун умрини қишлоқ хўжалигида меҳнат қилиш билан ўтказди. У анча кечроқ турмушга чиқди. Турмуш ўртоғи Рўздат Ҳақимов яккаю ягона фарзанди Холмурод тўрт ёшга кирганида, яъни 1954 йили вафот этади. Момо бутун ҳаётини ана шу фарзанди тарбиясига бағишлади. Бошқа турмуш қилмади.

Бугун Ўғилжон момо Эшёзова дорилон кунларга шукрона келтириб, беш неvara, 12 чевара ва элу юрти ардоғида умргузаронлик қилмоқда. Дарвоқе, ўтган йили Россия Федерацияси Президенти В.Путин томонидан Ўғилжон момо «Буюк ғалабанинг 75 йиллиги» медали билан тақдирланди.



Табаррук момодан Бешмарган қишлоғининг ёшу қариси тез-тез хабар

олиб туришади. Айниқса, шу қишлоқлик «Уста Матсафо» кўп тармоқли фермер хўжалиги раҳбари Шухрат Ўдобоёв ҳар байрамда онахонни совға-саломлар билан йўқлайди. Яқинда Наврўз байрами муносабати билан ҳам фермер Ўғилжон момонинг дуосини олди.

– Табаррук момомиз билан фахрланамиз, – дейди «Бешмарган» маҳалла фуқаролар йиғини раиси Шарифзода Уйғун Ўрозбой ўғли. – Онахон зиёратига вилоятимизнинг турли бурчакларидан одамлар тез-тез келиб, у кишининг дуосини олишади. Ҳаммамизни шундай улуг ёшларга етказсин!

Ҳа, бир асрдан кўпроқ даврнинг қанча-қанча суронларини бошдан кечирган, не-не синовларга бардош бериб, бу ёруғ дунёга илиниб турган онахонга узоқ умр тилаймиз. Ўғилжон момодек табаррук инсонлар элимизнинг чинакам фахри-ифтихоридир.

**Болтабой МАТҚУРБОНОВ,**  
Хоразм вилояти



Халқимиз қариси бор уйнинг париси бор дейди. Дарҳақиқат, хонадонларимиз тўрида ўтирган нуруний инсонлар бизларнинг беқиёс бойлигимиздир. Улар ҳаётимиз ҳикмати, умримиз мазмунидир. Улар борки, кўнглимиз ҳамisha хотиржам бўлади. Фарзандлар бир дастурхон атрофида йиғилиб дийдорлашади. Ота-оналарнинг дуосини олиб, эрта тонгдан остона ҳатлаб қўшниларга салом бериб ишга отланган ўзбек хонадонларини кўриб кўнгиллар шодланади.

## УНИ ОНА ДЕРЛАР...

Мана шундай фароғатли кунларда яшаб турганимизнинг ўзи бир неъмат эканига шукроналар келтирамиз. Бугунги ҳаётимизни ҳар қанча гапирмайлик адоғига етиб бўлмайди. Лекин йўлларимизда учраб турадиган кўнгилсиз ходисалар ҳам мавжуд. Фақат қувончу шодликдангина иборат ҳаётни барпо қилиш мушкул масала. Ойнинг ўн беши ёруғ, ўн беши қоронғу бўлганидек бахт ортидан бахтсизликнинг келиши бор. Шундай бахтсизлик ичра куйган бир кўнгил дарду ҳасратларини баён қилсак.

Тонг. Осмон мусаффо. Ёшу қарининг кўнгли нурафшон. Барча инсонлар ҳаётдан масрур. Кимнингдир уйда тўй, яна кимнингдир хонадонда алла садолари янграмоқда. Биринчи фарзандини кучоғига олган ёшгина аёл ширин орзулар оғушида. «Илоҳим, бахтимга соғ бўлгин, дунё тургунча тургин, жонинг омон бўлсин, болажоним», дея дуолар қилмоқда. Қалбининг фариштаси бўлмиш нурийдасига бор меҳрини бермоқда...

...Кечалари уйқудан кечиб, кундузлари кўз қорачиғидек асраган фарзандини вояга етказган аёл бугун ўша кадрли остонасидан, иноқ оиласидан йироқда. Жон деса, жон беришга тайёр бўлган зот ёлғизлик уммонига чўкмоқда. Бунга сабаб тақдирнинг аччиқ ҳақиқатими ёки ўз танидан бино бўлган зурриёдининг бешафқатлигимми?

Баъзан «Қариялар уйи»га йўлим тушганида мана шу саволлар қийноғида қоламан. Бугун бу мушфиқ она қай бир «хизмат»лари учун шу даргоҳда? Бу қай бир машаққатли меҳнатининг «роҳат»и? Фарзандларини икки дунё орасида тўққиз ойлаб кўтариб юриб ёруғ оламга келтиргани учунми? Ёки бутун умрини шу дилбандига бахшида қилгани учунми? Меҳнатдан

қора терга ботиб, «болам илми бўлсин», деб олий ўқув юртида ўқитганига жавобми? Орзу-умидлари армонга айланса-да, шу боласининг бахти-икболи учун ёниб яшагани учунми? Аламларни



ичига ютиб сабр билан фақатгина фарзандини бахти деб билгани учунми? Аёл иқлими шунчалар бардошлики, унинг сабри олдида бутун шажон қафтдек бўлиб қолади. Фарзанду набиралар роҳатини кўрар бўлган бир пайтда, хонадоннинг тўрида дуога қўл очиб ўтириш вақти келганда, насиб этган жой «Қариялар уйи» бўлди. Шунда ҳам боласини дуо қилиб, умри зиёда бўлишини Яратгандан сўрамоқда. Қалби унсиз йиғласа-да, «болагинамдан розиман», дейди. Унинг чехрасини маъюслик қоплаган. Охир-оқибат қуни шу жойга қолганидан нолимайди. Фақатгина фарзанд соғинчи қийнайди. Боласини бир бор кўришга кўзлари интизор бу ожизнинг бағри хувиллаб қолган. Унинг юрағида бир нидо ҳамон бонг уради. «Боламни ўзинг асра, Аллоҳим. Уни сенга омонат қолдирдим».

Юзларида сўлғинлик акс этиб турса-да, фарзанди бемехрлигидан эмас, уни бир кўришга муштоқлигидан кўзларидан ёш томчилайди. Инсонийлигини йўқотган, ўзлигини унутган фарзанд онасининг

аламли соғинчини қандай англасин. Меҳр кадрини билмаган, онани улуглаш у ёқда турсин, бир зиёрат қилмайдиган инсон фарзандлик номига муносибми? Ҳаётига қалқон бўлиб яшаган волидаи мухтарамасидан юз ўгириб кетиш ҳайвонларда ҳам бўлмаса керак. Ҳайвонларда ақл бўлмаса-да меҳр бор. Дунё ёлғонларига ишониб ўзгалар кўнглини олиб, лек ўзининг мухтарам зотига бир ширин сўз айтишни эп кўрмаган инсонни дуо қилаётган ҳазрати аёл нақадар буюк!..

Қаранг, аёл ҳилқатининг минг бир фаслидаги яна бир варағи. Яна бир қалб оғриқлари. Энди аёлларга турли айбларни қўйиб, ўзларича ҳукм чиқарадиган инсонлар бир ўйлаб кўрсин. Бир лаҳзага дардли ҳасратлар билан яшаб кўрсин. Шундагина аёл қалбини тушуна билади. Шундагина уларни қадрлай олади.

**Умида МАҲМУДХЎЖАЕВА**

## ҲИКМАТ



Турмуш қурганлар учун ҳам, қурмаганлар учун ҳам, турмуш қуриш арафасида турганлар учун ҳам ибратли воқеа.

Бир йигит уйланибди. Отаси янги оилани муборакбод қилиш учун уникага меҳмонга борибди. Бир оз суҳбатдан сўнг ота ўғлидан оқ қоғоз, қалам ва ўчирғич келтиришни сўрабди. Йигит хайрон бўлиб, «Нима учун, отажон?» деб сўрабди. Отаси бу саволга жавоб бермай, яна бояги талабини такрорлабди. Уйда қоғоз-қалам бор экан, аммо ўчирғич топилмабди. Шунда ота ўғлига: «Ундай бўлса, бориб, ўчирғич сотиб олиб кел», дебди.

Йигит отасининг гапини икки қила олмай, атайин дўконга чиқиб, ўчирғич олиб келибди. Отаси унинг олдига қоғоз билан қаламни қўйиб, шундай дебди:

– Ёз.

– Нимани ёзай?

– Истаган нарсангни ёз.

Йигит бир жумла ёзган экан, ота: «Энди ёзганларингни ўчир», дебди. Йигит ўчирғич билан ёзган сўзини ўчирса, ота яна: «Ёз», дебди. Ўғил хайрон бўлиб, «Ота, нега ёздириб, нега ўчиртиряпсиз? Тушунмаяпман», дебди. Бироқ ота яна: «Ёз» дебди. Йигит ноилоҳ яна бирон нарса ёзибди, отаси яна ўчиртирибди. Бир неча марта ёзиб-ўчиргандан кейин йигитнинг тоқати тоқ бўлиб, «Отажон, айтсангиз-чи, нега бундай қиялсиз?» деб сўрабди.

Шунда ота «Ўғлим! Кўрдингми, неча марта ҳар хил сўз ёзсанг ҳам, қоғоз ҳалиям оппоқ турибди», дебди. Ўғил: «Ҳа, кўряпман, оппоқ турибди. Чунки ёзганларимни ўчириб ташлаяпман! Лекин бу билан нима демоқчисиз ахир?» дебди тоқати тоқ бўлиб.

Ниҳоят, ота бу имтиҳоннинг ҳикматини тушунтириб берибди:

«Ўғлим! Янги қурилган оила ҳам бир варақ оппоқ қоғознинг худди ўзи. Турмушда ҳар хил яхши-ёмон гап-сўзлар бўлиб туради, чунки инсон ожиз, баъзан тилини тия олмай қолади. Ана шунда бу вараққа ҳар хил нарсалар ёзилиб қолади. Агар эр-хотиннинг қалбида кечирим деб аталган ўчирғич бўлмаса, бу варақ кўнгилсиз нарсаларга тўлиб кетади. Шунинг учун орада бўлиб ўтган гап-сўзларни дарҳол кечириб, турмуш саҳифасидан ўчириб туриш керак. Ана шунда оиланг саҳифаси доимо оппоқ, топ-тоза бўлади».

Азизлар! Ҳаётингиз осойишта, турмушингиз ширин, оилангиз саодатли бўлишини истасангиз, ўчирғич доим қўлингизда бўлсин! Ўзаро кечиримли бўлайлик, гўзал хулқ соҳиби бўлайлик!

**Раҳматуллоҳ САЙФУДДИНОВ**



# ТУРКИЙ КЕНГАШ

Иқтисодийтимиз учун қандай «бонус»лар тақдим этади?

Жорий йилнинг 31 март куни Туркистон шаҳри (Қозоғистон)да Туркий тилли давлатлар ҳамкорлик кенгашининг норасмий саммити бўлиб ўтди. Тадбирда Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев иштирок этиб, мазкур тузилманинг кейинги истиқболи учун муҳим ташаббусларни илгари сурди.

Аҳоли салмоғи бўйича Марказий Осиёнинг энг йирик мамлакати – Ўзбекистон Туркий тилли давлатлар ҳамкорлик кенгашига 2019 йилда аъзо бўлган. Мазкур воқеа мамлакат сиёсий ҳаётида муҳим аҳамият касб этиб, янги раҳбарият очиқ ташқи сиёсат юрита бошлаганига ишора эди.

Бир давлатнинг муайян тузилма – савдо-иқтисодий бирлашма, ҳарбий ёки сиёсий блокка қўшилишини шунчаки оддий ҳолат сифатида талқин қилиб бўлмайди. Масалага геосиёсий ракурсда, яъни юқори нуқтадан туриб қараш керак. Бугунги Ўзбекистон ташқи сиёсатида нафақат очиқлик, балки кўп томонлама ҳамкорлик таъминлаш устувор ҳисобланади. Буни, аввало, минтақа ва минтақалараро интеграцион жараёнлардаги иштирокимиз бирмунча фаоллашгани мисолида кўриш мумкин.

Охириги йилларда Ўзбекистон ижтимоий-иқтисодий ўсиш динамикасини намойён этиб келаётгани ва бу борада ҳали ишга солинмаган талайгина салоҳияти борлигига қарамай, жаҳон сиёсий сахнида яқка ҳолда ривожлана олмаслиги кундек равшан. Зотан, умуммиллий манфаатлар доирасидаги юксалиш ҳаммиша хайрихоҳ ва ҳамкорлар атрофида бирлашишни тақозо этади. *Айни вақтда кўмакни яқин қўршовимиздан излаганимиз маъқул.*

Туркий тилли давлатлар ҳамкорлик кенгашига қўшилиш замирида аслида мана шу мақсад мужассам. Содда қилиб айтганда, Туркий кенгаш, Ўзбекистон шу чоққача аъзо бўлган бошқа геосиёсий бирлашмалар қаторида, бизга дунё билан интеграциялашиш, ташқи таҳдидлар, *жумладан, жаҳондаги кучли «ўйинчи»ларнинг сиёсий ёки ҳарбий экспансиясидан ҳимояланиш* учун керак.

Қолаверса, Туркий кенгаш Ўзбекистон иқтисодий учун кенг имкониятлар яратиб берадиган тузилмадир. Бу ҳақда маалакали эксперт, **“Ma’no” тадқиқотлар ташаббуси маркази директори Бахтиёр ЭРГАШЕВ** билан сўхбатлашдик.

*Туркий тилли давлатлар кенгаши ўз моҳиятига кўра интеграцион тузилма эмас. У маслаҳатлашув форматида иш юритади. Шу туфайли кенгашнинг барча қарорлари тавсиявий характерга эга. Яъни қайсидир мамлакат уларни қабул қилиб, бажаради, бошқаси эса инкор этишга ҳақли. Сабаби Туркий кенгаш таркибида миллий институтлардан юқори турадиган тузилмалар йўқ, бўлмайди ҳам.*

– Бахтиёр ака, Туркий кенгашдаги иштирокимиз ушбу ташкилотга аъзо давлатлар билан савдо-иқтисодий алоқалар динамикасига қандай таъсир кўрсатади?

– Туркий кенгаш тузилганига ўн бир йил бўлди. Шу чоққача унинг фаолиятида маданий-гуманитар ҳамкорлик устувор аҳамият касб этиб келган. Лекин охириги пайтда ташкилотга аъзо мамлакатлар раҳбарлари иқтисодий масалалар, жумладан, транспорт коммуникацияларини ривожлантириш, савдо ва инвестициялар ҳажмини оширишга кўпроқ

эътибор қаратмоқда. Туркий кенгашга Ўзбекистон қўшилганидан кейин мазкур тенденция янада кучайди ва бу ижобий ҳолдир.

2019 йилнинг 14-15 октябрь кунлари Боқуда бўлиб ўтган саммит чоғида Президент Шавкат Мирзиёев ахборот-коммуникация технологиялари, рақамли иқтисодиёт, хайтек каби янги йўналишларда ўзаро манфаатли ҳамкорликни кенгайтиришни таклиф қилди. Давлатимиз раҳбарининг ушбу ташаббуслари яқдил қўллаб-қувватлангани ҳам бежиз эмас. Сабаби улар Туркий кенгаш доирасида шаклланган иқтисодий устуворлик трендига тўлиқ мос келади.

Энди бевосита саволингизга тўхталсам. 2020 йил якунлари бўйича, Қозоғистон Ўзбекистон учун учинчи энг йирик иқтисодий ҳамкорга айланди. 5-, 6-ўрин-



ларда Туркия ва Қирғизистон турибди. Учала мамлакат ҳам Туркий кенгашга аъзо. Кўриниб турганидек, улар билан савдо айланмамиз анча юқори. Ишончим комил, кейинги йилларда кўрсаткичлар янада яхшиланади.

Қозоғистон билан бир қанча йирик лойиҳалар амалга оширилмоқда. Масалан, қўшни республика ҳудудида ўзбек автомобилларини йиғиш бошланган.

Туркий кенгаш доирасидаги ҳамкорлик бундай кооперациянинг кучайишига хизмат қилади.

Яқин вақтгача Туркия мамлакатимиз ташқи иқтисодий ҳамкорларининг ҳатто ўнталигига кирмасди. 2020 йилда эса у бешинчи ўринга кўтарилди. Ўйламанки, жорий йилда ҳам натижа ёмон бўлмайди. Сабаби Туркия Ўзбекистонга салмоқли инвестиция киритмоқда. Сармоянинг асосий қисми тўқимачилик, чарм-пойабзал саноати, қурилиш ва банк-молия соҳаларига йўналтирилган. Демак, яқин истиқболда Туркия билан иқтисодий муносабатларимиз юксали-



шига ишонч билдириш мумкин. Қирғизистон ҳақида ҳам худди шу фикрни айта оламан.

– Озарбайжон ҳақида-чи?

– Менимча, ҳозир бу мамлакат билан иқтисодий алоқаларни янги босқичга кўтаришнинг айни мавриди. Транзит мамлакат сифатида Озарбайжон биз учун муҳим ҳамкор бўла олади. Мен Жанубий Кавказ (*Боқу – Тбилиси – Карс*) йўнали-

шидаги транспорт коридорини назарда тутяпман. У Озарбайжондан бошланиб, Туркиянинг Ўрта Ер денгизидаги портларига тўғридан-тўғри чиқиш имконини беради. Мазкур темир йўл магистрალი орқали Ўзбекистон ўз маҳсулотларини Жанубий Европа ҳамда Яқин Шарқ мамлакатларига тез ва қулай етказиб бериши мумкин. Бу эса Озарбайжон билан яқин ҳамкорликни йўлга қўйишни тақозо этади.

– Савдо-иқтисодий алоқалар ривожланиши учун Туркий кенгаш қўшимча институционал механизмларни ишга сола оладими?

– Албатта. Бироқ айни чоғда бунга зарурат бор, деб ўйламайман. Балки, келгусида эҳтиёжга қараб Туркий кенгаш таркибида янги тузилмалар пайдо бўлар. Лекин бу кўп йилларга чўзиладиган анча мураккаб жараён эканини эслатмоқчиман.

Қолаверса, Туркий тилли давлатлар кенгаши ўз моҳиятига кўра интеграцион тузилма эмас. У маслаҳатлашув форматида иш юритади. Шу туфайли кенгашнинг барча қарорлари тавсиявий характерга эга. Яъни қайсидир мамлакат уларни қабул қилиб, бажаради, бошқаси эса инкор этишга ҳақли. Сабаби *Туркий кенгаш таркибида миллий институтлардан юқори турадиган тузилмалар йўқ, бўлмайди ҳам.* Лекин аъзо давлатлар раҳбарлари кенгашган ҳолда муайян масалалар юзасидан, айтайлик, божхона постларидан юкларни ўтказиш тартибини енгилаштириш, темир йўл ёки автомобиль тарифларини мақбуллаштириш

бўйича умумий позицияни шакллантириши мумкин. Шунда ҳам эришилган келишувга риоя этиш-этмаслик ихтиёрийдир.

– Ҳозир биз учун янги бозорларни топиш жуда муҳим. Халқаро ва минтақавий тузилмаларга кўп жиҳатдан айланиш шу мақсадда аъзо бўляпмиз. Туркий кенгаш Ўзбекистон маҳсулотлари экспортини оширишга ёрдам бера оладими?

– Бозор масаласида мутлақо ҳақсиз. Ташқи сиёсат аслида иқтисодийнинг хизматкори ҳисобланади. У мамлакат иқтисодий манфаатларига хизмат қилиши керак. Ўзбекистон иқтисодиёти экспортга йўналтирилган. Маҳсулот эса, турган гапки, харидорга эҳтиёж сезади. Шу нуқтаи назардан Туркий кенгашга аъзо мамлакатлар иқтисодий салоҳияти тадбиркорларимизга жуда қўл келади.

2018 йилдан Ўзбекистон Қозоғистонга тўқимачилик маҳсулотлари экспортини кескин ошира бошлади. Қирғизларда чарм-пойабзал саноатимизга қизиқиш катта. Туркия бозорига фаол кириб бориш учун ҳам имкониятимиз етарли. Ҳозирча туркларга асосан ип-калага сотяпмиз. Ваҳоланки, бошқа маҳсулотлар ҳисобига савдо ҳажмини бемалол оширсан бўлади.

Яна бир жиҳат. Туркий кенгашга аъзо давлатлар билан қўшма корхоналар ташкил қилиб, учинчи мамлакатлар, масалан, Афғонистон, Эрон, Покистон, Россия, Хитой ёки Европа бозорларига чиқиш мумкин. Бу бўйича Туркия яхшигина тажрибага эга.

Транспорт коммуникациялари, туризм соҳаларида ҳам ҳамкорлик қилса бўлади. Дарвоқе, *сайёҳлик йўналишида Ўзбекистон туркий тилли мамлакатни ҳеч қийналмай «ўзиники» қилиб олиши мумкин.* Айтмоқчиманки, биз нафақат бошқаларнинг бозорини эгаллаш, балки ўз бозоримизни ҳам бошқаларга очишга интилишимиз зарур.

– Инвестициялар борасида имкониятимиз қандай?

– Савдо-иқтисодий алоқаларни ривожлантириш инвестицион фаолиятга ҳам таъсир кўрсатади. Бу соҳалар бир-бири билан чамбарчас боғлиқ. Ривожланаётган мамлакат сифатида Ўзбекистон ўз иқтисодиётига имкон қадар кўп инвестиция жалб қилишдан манфаатдор.

Юқорида қайд этганимдек, охириги йилларда Туркия Ўзбекистонга мўмай сармоя киритмоқда. Менимча, бу тенденция борган сари кучаяди. Қозоғистон билан ҳамкорликда амалга оширилаётган инвестицион лойиҳалар ҳам оз эмас.

– Сизнингча, яқин истиқболда Туркий кенгашга аъзо қайси мамлакат Ўзбекистон билан иқтисодий ҳамкорлигини кучайтира олади? Мазкур ҳолат мамлакатимиз ташқи сиёсати таъсирини кўрсатиши мумкинми?

– Мен яна Туркия ва Қозоғистонни алоҳида тилга олган бўлардим. Иккала мамлакат билан ҳам савдо-иқтисодий алоқаларимиз жадал ривожланмоқда. Лекин яқин орада Туркия Қозоғистондан ўзиб кетишига кўзим етмайди. Улар тенглашиши ҳам амримаҳол. Чунки Ўзбекистоннинг Қозоғистон билан ўзаро ташқи савдо айланмаси ҳажми Туркияникидан бирмунча юқори. Қолаверса, Қозоғистон Евроосиё иқтисодий иттифоқига аъзо. Ўтган йили Ўзбекистон мазкур тузилмага кузатувчи давлат мақомида қўшилди. Бу эса қўшни республика билан иқтисодий ҳамкорликни янада ривожлантириш учун қўшимча имкониятлар юзага келганини аниқлатади. Ҳарқалай, бу ҳолат ташқи сиёсатимизга таъсир кўрсатади, деб ўйламайман.



Эрталаб ишга келаётсам ишхонамиз остонасида сут сотувчи аёл Моҳирахон турибди.

– Опа, бугун автобусимиз кеч келди. Кўпчилик ходимлар аллақачон хоналарига кириб кетишибди. Икки шиша қаймоқ билан битта творог қолди. Илтимос, олиб қолинг. Пулини кейинроқ берсангиз ҳам майли, – деди у совуқдан қотган кўлларига ҳу-ҳулаб.

Аёлни танийман, мана етти йил-дирки ёзни ёз, кишни киш демай тонг коронғусида туриб олис кишлоқдан шаҳарга камида 50 килолик сут-қатикни ташиб келади. Жуда ширинсўз, озода, махсулотлари ҳам ниҳоятда сифатли. Барчамиз дуо қилиб, жон-жон деб харид қиламиз. Моҳирахон билан барча аёллар (*эътибор беринг, бу ерда ҳам аёллар*) худди опа-сингилдек кадрдон бўлиб кетганмиз. Сирлашамиз, хасратлашамиз, режаларимизни ўртоқлашамиз ҳам. У дастлаб иш бошлаган пайтларида катта кизини узатмоқчилигини, сарпо-суруғ йиғиб тўйни ўтказиб олишгач, савдони йиғиштиришини айтганди. Тўй ўтди, тўйдан кейин бешик тўй ғалваси бошланди. Бешик тўйда кичик қизига совчи чиқди. Тенги чикса текин бер, дейишган. Моҳирахон яна энг шимариб ишга тушиб кетди. Энди у нафақат ўзининг, балки кўни-қўшниларнинг ҳам сутини йиғиштириб келиб сотадиган бўлди. Мижозлар унинг ҳалоллиги, озодалиги учун кўпайгандан кўпайди. Моҳирахон тушган пулларни бир четга ўтиб тахлаб, санаб олгач, сарпо учун бозорга шошарди. Аммо учта тўйдан кейин ҳам эғнида янги либос кўрмадик.

Ҳозир унга қараб туриб бироз афсус билан уст-бошига зимдан назар солдим. Бошида нимдошгина жун рўмол, эғнидаги келинлик сарпосида кўйилган мўйна ёқали пальтоси титилиб кетган, оёғида ранги оқариб кетган калиш. Балки янги либослар ҳам олгандир, аммо бу ерга бирор марта ҳам кийиб келмаган.

– Моҳирахон, яна нима ҳаракат, ахир набирангизни суннат тўйи ҳам ўтди. Ёки яна ками бор эканми?

– Вой, Саидаборхонимга олиб борган тойим анча катта бўлиб қолди. Кичкина қизимни яқинда кўзи ёрийди. Туғруқхонадан чиқишига бешик олиб бораман. «Опамникидан кам сарпо қилмайсиз», – дейди қизим тушмагур. Дадаси эса, агар ўғил туғилса тойини ҳам бериб қўя қоламиз. Сарпо-суруғини шунга мўлжаллаб тўплайвер. Ҳадеб бошимизга одам тўплашдан чарчадим, деяптилар. Тўғри, у киши ҳам бола-чақа ташвишидан қийналиб кетди. Бу ёқда ҳадемай ўғлимиз институтни тугатади. Келин туширишга уй тайёр. Аммо уйлантиришни ўзи бўладими. Шунинг ҳаракатидаман. Ҳарна, дадасига энгил бўлсин. Ҳаммаси ҳам болам. Бири-биридан кам бўлмасин, дейман-да. Шу тўйдан ўтиб олай... дам олиш қочмас. Шулар учун яшаб

юрибмиз-да.

Барака топинг, юкимни энгил қилдингиз, атиги уч банка қаймоқ қолибди, ошхонадагиларга қолдириб кетарман, – деди чехраси ёришиб. Мен у билан хайрлашар эканман «сингилжоним, ўзингиз учун қачон яшайсиз, ахир умр ғанимат», деган ўй ўтди хаёлимдан...

\*\*\*

Ўзи бугун шунақа кун шекилли, кечкурун ишдан қайтаётсам, Саодатни учратиб қолдим. У билан мактабда ўн йил бирга ишлаганмиз, ўт-олов аёл эди. Аммо ҳозир негадир анча ҳорғин кўринди. Саломлашаётди жилмайишга ҳаракат қилди, аммо табассуми ҳам синиқ эди.

– Юринг, таксида кетақоламиз, автобус қачон келади, – дедим.

– Бозордан келяпман, юким бор, – унамади Саодат.

– Юкингиз бўлса, таксига чиқмай автобусда кетасизми, – хайрон бўлдим мен.

– Таксичилар инсофсиз бўлиб кетган, йўл ҳақини оширворишган, яна юкимга ҳам алоҳида ҳақ олади.

– Юкингизни тиззамизда олиб кетаверамиз, ҳақ олишмайди.

– Нима деяпсиз, юким оғир, машиналарнинг эски эҳтиёт қисмлари, тиззамизни эзиб қўяди.

Хуллас, Саодатни кўндиролмадим. Юришга шайланиб турган таксига шошиб-пишиб ўтирдим. Машина анча юргач аста ёнимдаги ҳамроҳларимга қарадим.

– Ассалому алайкум, устоз, – салом берди ёнимдаги гавдали йигит. Алик олиб бундай қарасам Саодатнинг катта ўғли.

– Ие, Мансур, сенмисан. Ҳозир бекатда ойингни учратдим. Таксига чиқишга юким бор, деб унамади. Сен кўрмадингми, – хайрон бўлиб сўрадим.

– Бугун барвақтроқ қайтибдилар-да, мен бекатга қарамадим, – деди ўғил хотиржам.

– Юки оғир экан.

– Ойимни билмайсизми, икки кўлларини банд қилиб юк кўтариб келмасалар кўнгиллари тўлмайди. Шунча тайинласак ҳам таксига чиқмайдилар. Пулларини қизғониб автобусда юрадилар. Темир-терсак оғир бўлади-да. Хабарингиз борми, ойим нафақага чиққандан буён эски буюмлар бозорида машиналарнинг эскирган эҳтиёт қисмларини сотадилар. Ертўламингиздаги эски михгача сотиб тугатдилар. Ҳозир бозорнинг ўзидан олиб сотадиган бўлганлар. Адамнинг машинасига «запчаст» ол-

гандирлар-де. Ўзимнинг «Нексия»мга ҳам фара керак бўп қолганди. Ойимга телефон қилгандим. Балки фара ҳам олгандирлар, – деди жилмайиб.

– Шу ёшда ойингга бунақа оғир юк кўтариш зарар, тагин...

– Э, неча марта айтганмиз, қулоқ солмайдилар. Устоз, сиз хавотир олманг. Автобус ҳайдовчилари ҳам онамни яхши танишади, уйимизнинг олдида тўхташиб, юкларини тушириб беришади. У ёғи уйгача икки қадам... Адам ҳам, «билганини қилсин, ўзига қийин», дейдилар.

Бу бола менинг гапимдан хижолат тортади, дарров машинадан тушиб онасига ёрдамга ошиқади, деб ўйлагандим. Бу гапларни тинглаб, ҳа, айб Саодатнинг ўзида, ўзини яхши кўрмаса, ўзини кадрига етмаса бошқалар кадрлармиди, деб ўйлаб хафа бўлиб кетдим.

Нега шундай, нега баъзи аёллар тирикчилик учун ўзларини шунчалик фидо қилиб юборадилар. Саодатга нима етмайди, бола-чақадан қутилган, турмуш ўртоғи қанотида. Яхшигина нафақа олади. Ўзини

қилиб ўрилган, ҳар бир толими яшил, шаффоф қимматбаҳо тошлардан ясалган тақинчоқлар билан безатилган, мушқу анбарлар сепилганди. Бадан териси Одам Атоникига қараганда нафисроқ, ранги ҳам тинқроқ, овози эса униқидан ёқимлироқ эди». Қаранг, Қодир Эгам аёл зотини шунчалик меҳр билан гўзал, нафис қилиб яратган экан, нега энди биз аёллар бу гўзалликка содиқ қолмаслигимиз, эркаклар бу гўзалликни, нафисликни авайлашни ўз бурчи деб билмаслиги керак?! Бунга фақат эркаклар айбдорми, йўқ албатта! Уйим-жойим, болам-чақам деб ўзидан – ўзлгидан воз кечган аёлларнинг ўзи-да ҳам айб бор.

\*\*\*

Тунов куни дугонаминикида суҳбатлашиб, телевизор кўриб ўтиргандик. Дугонам сериалда роль ижро этаётган актрисалардан бирини кўрсатиб, вой мана шу артист мендан беш ёш катта, аммо қаранг қандай ёш кўринади, – деб қолди.

– Э, бу чаплаган упа-эликни суртиб олсанг, сен ўн беш яшар бўлиб

# ҚАДРИНГИЮ ҚАДДИНГИ ҚАЧОН КЎТАРАСАН, ЎЗБЕК

ўйласа, ўзи учун яшаса арзийдиган паллада-ку.

Баъзида қорнимга эмас, кадримга йиғлайман, дейишса хайрон бўлардим. Мана шу бугун бу гапнинг маъзини чакдим.

**Бирок ўзингизнинг қадри-нгизга ўзингиз етмасангиз, ким сизни қадрлайди?! Сиз ўзингизни яхши кўмасангиз, сизни ким яхши кўради?!**

Тўғри, ҳар бир она болам, дейди. Лекин ҳамма нарсада ҳам меъёр бор. Болани оқ ювиб, оқ тараб, ҳаётдаги йўлини топиб берганингиздан кейин сизнинг вазифангиз бирмунча камаяди. Ўзингизни ўйлашга, ўзингиз учун яшашга ҳам бир чимдим вақт қолади. Нега энди ундан фойдаланмаслик, ўзининг борлигини ғофилларга билдирмаслиги керак? Шоир айтганидек:

*Ўчиб қолар уйларда чироқ,*

*Қотиб қолар жойида булоқ.*

*Ҳиссизларга барибир бироқ.*

*Бу дунёда аёл борми йўқ.*

*Ошиқданмас сен шулардан қўрқ...*

«Пайғамбарлар тарихи» китобида энг биринчи аёл Момо Ҳавво онамиз шундай таърифланган: «Момо Ҳавво Одам Атодек баланд бўйли, сарвқомат ва гўзал бўлиб, сочлари 700 толим

кетасан, – деди эри ёстикни ёнбошига тортиб. Хотини маъносилмайди...

Лекин бу гапнинг ёлғонлигини аёл ҳам, эри ҳам яхши биларди. Чунки кўллари шудгор тупроқларини чангаллайвериш дағаллашган, бир пайтлар лўппи бўлган оппоқ юзлар саратон офтобида қорайиб, униқиб кетган, оҳуни лол айлаган кўзлар атрофига тушган чуқур ажинларни ҳеч қандай упа-элик, бекитолмайди, оқартиролмайди. Буни, эримга мадад бўлсин, бола-чақам бировдан кам бўлмай, кўнгли ўксимай ўссин, деб ўзини ўтга-чўкка урган аёл ҳам, онаси, яхшиям сен борсан, бўш келма деб ёнида баравар ишлаган эр ҳам анча олдин ўйлаши керак эди.

Аёл – она, уй бекаси, жуфти ҳалолига беминнат кўмакчи. Аммо аёлга ким кўмакчи бўлади? Ким унинг елкасига ўзи билиб-билмай, сезиб-сезмай ортиб олган тоғдай оғирликни энгиллатишга ҳозир? Фақат ўзи! Қачонки у, ҳа энди олма билан ўрик бўлармидик, деб ўзини ҳаёт оқимига бепарво ташлаб қўймаса, ўзини таниса, ўзини кадрлагина кўмакдош топади. Акс ҳолда Саодат, Моҳиралардек югуриб-елиб, ҳаловат топмай, нозик хилқат эканини хис қилмасдан ҳам ўтиб кетаверади.

Ёнимизга янги кўшни кўчиб келди. Ёш оила. Куёв ҳам, келин ҳам шифокор.







Энди битта фарзандлари бор. Келин туғурук таътилади. Аммо уларнинг бор-йўқлигини биров билмасди. Чунки келин ёш боласини ташлаб кўчага чиқа олмайди. Чикса ҳам худди бировдан кўрққандек ҳеч ким билан гаплашмай дўконга бориб келади-ю яна эшигини ёпади. Ниҳоят унинг борлигини бил-

вазифасини ҳам билсин, – деди йигит. Келин бўлса пикиллаб йиғлашдан на-рига ўтмади. Кейин билсак, келин туш-магур авваллари ҳам бунақа калтакдан кўп еган экан. Аммо бирор марта, хой нега ҳадеб мени ҳақорат қиласиз, ахир уйингизни саришталаб, ўзингизни ой-дай қилиб кийинтириб, ишга кузатсам, подшоҳлардай хурматлаб кутиб олсам, болангизни соғ-саломат катта қилаётган бўлсам, демаган. Онанинг, эр – пир, унинг бетига тик боқма, гап қайтарма, агар гапинг чикса сендай болам йўқ, деган гапига кўр-кўрона амал қилган экан.

Биз ҳам унинг уйи бузилиши тараф-дори эмасмиз, аммо аёлнинг ҳам уйда кадри бўлиши, меҳнати кадрлиниши керак-ку! «Гўдак йиғламаса, онаси сут бермайди», дейди доно халқимиз. Аёл киши ҳам ўз вазифасини шараф билан уддалаб қўйгач, ўз кадрини ҳам талаб қилишга ҳақли эмасми?!

\* \* \*

Ҳар қандай жамиятнинг маданий даражаси, даврнинг улуғлиги, унинг маънавий мавқеи аёлларга бўлган му-носабатда яққол намоён бўлади.

Ҳукуматимиз аёллар ҳуқуқини химоя қилаётган, ардоқлаётган, ундаги истеъ-додни, тадбиркорлик маҳоратини юзага чиқиши учун керакли шарт-шароитни яратиб бераётган пайтда аёл ҳам қадди-ни, ҳам кадрини тиклаши, жамиятда ўз ўрни ва ўз овозига эга бўлишга интили-

ши керак. Чунки аёл миллат тарбиячи-си, яратувчиси. Аёл биринчи навбатда шунинг аниги етиши керак!

Эҳтимол, бу гапларим кимгадир ёқ-мас. Биз ўзбекмиз, ўзбек аёли биринчи навбатда болам дейди. Эрига садокатли ёр сифатида оғирини енгил қилсам, дейди. Упа-сурмага зўр берадиган, қома-тини асраб, бола боқишдан чўчидиган ғарб аёлимас дейиши мумкин. Аммо, аёл ҳам биринчи навбатда инсон. Меҳр берувчи, шу билан бирга меҳрга мушток аёл. Агар аёл шунинг унутса, ўз кадрини билмаса на жамиятда, на оилада ўрнини топа олади. Ҳазрат Навоий бежиз айт-магандар: «Эл нетиб топгай мениким, мен ўзимни топмасам...».

Шундай экан, кадрли аёллар, опа-син-гиллар биз ҳаётнинг яратувчиси, энг суюқлиси ва бебахоси эканлигимиз-ни унутмайлик. Эрларимиздан кадр сўрашдан аввал ўзимиз ўз кадримизни билайлик. Хонадонимизни обод, турмуш ўртоғимиз, фарзандлар дилини шод этиш билан бирга ўзимизни ҳам ёд этайлик.

Муҳаббат ҲАМИДОВА

## ОҚИБАТ ЎЛМАСИН



Яқинда уйга кетаётгандим 1-шаҳар шифохонаси яқинида йўл четида тўхтаб турган юк машинасидаги елим халтага ўралган пишган ғиштларга кўзим тушди. Қойил шу кунларга етиб келдик – ғиштлар халтага ўралган ҳолда эгасига етказилмоқда. Тараққиёт бўлса шунчалик бўлар. Яқин-яқин вақтларда ҳам ғиштлар катта машиналарда олиб келинар, қурилишнинг бир четида ағдариб кетиларди...

Уйга келиб интернетни титкилар эканман, бир ҳовуч довучча учун 13 ёшли бола пичоклангани ҳақидаги хабарга кўзим тушди. Бу воқеадан бир неча кун аввал эса уйдагилар-дан қасд олмоқчи бўлган келинчак овсинининг кизини каналга итариб юборгани борасидаги хабарни ўқи-ган эдим.

Интернет сайтларини, хусусий телеканалларнинг дастурларини кўринг – халқимизга мос бўлмаган бундай воқеаларга, таназзулга учра-ган оилалар ҳақидаги маълумотларга истаганча эга бўласиз.

Арзимаган нарса учун қирпичоқ бўлиш, отага тик қараш, оддий сабаб билан ёш келин-куёвларнинг ажралиб кетиши... Қаёққа қараб кетаяпмиз?!

Ўтган асрнинг 80-йиллари. Қиш-логимизда замонавий чорвачилик фермаси қурилди. Голландия-дан йигирмага яқин зотдор қорамол олиб келинди. Ўшанда ар-миядан эндигина кел-ган бир йигит пай-вандлаш ишларини олиб борар экан, хавф-сизликни таъминлаш мақсадида пайванд асбобининг симини қандайдир темирга теккизиб қўяди. Бу темир қорамоллар охурига уланган бўлган. Ўша вақтларда зотдор қорамоллар занжир билан боғлаб қўйиларди. Пайвандлаш вақтида барча қорамол нобуд бўлади. Бу ўша замон учун катта йўқотиш эди. Пайвандчи йигит бир йил озодликдан маҳрум қили-нади. У жамоа хўжалиги мулкига эҳтиётсизлик билан зиён етказишда айбдор деб топиларди...

Энди ўзингиз таққослаб кўринг: бир ҳовуч довучча қаердаю, йигир-мата зотдор сигир қаерда?

У вақтда инсон кадри ҳамма нар-садан юқори эди. Пайвандчи йигитга ўлим жазоси берилган тақдирда ҳам зотдор сигирлар қайтиб келмасди.

Кунини кеча телеканаллардан бири-да кўрсатувда иштирок этдим. Бир аёлнинг тақдирига бағишланибди. Биринчи турмушдан ажралган са-марқандлик аёл рафиқаси вафот этган тошкентлик эркакка турмушга чиқади.

Эркакнинг етти нафар кизи, уч на-фар ўғли ўғай онани чиқиштирмайди. Тўғри, ёмон гапиришмайди, аммо унга эътибор ҳам беришмайди. Бир йил ҳаёт шундай совуқ ўтади. Аёл чидайди. Бир йилдан кейин болалар ва ўғай она ўрта-сида илиқлик пайдо бўлади.

Аёл иккинчи эри билан тўққиз ярим йил яшайди. Эр 2006 йилда вафот этади. Аёл эрининг маърака-ларини ўтказганидан кейин, ўзига тегишли кийим-кечакларни олиб Са-марқандга кетишини айтганда, ўғай фарзандлари бунга рози бўлмайди. «Сиз бизнинг онамизсиз, ҳеч қаёққа кетмайсиз» дейишади. Аёл «Са-марқандга бирров бориб келаман»

дея уйига йўл олади. Уйда онаси, акалари «бўлди, шу ерда қолсан, улар барибир сенга фарзанд бўлмай-ди», дея Тошкентга юборишмайди. Аммо ўғай фарзандлари Самарқанд-га келиб аёлни олиб кетишади.

Кўрсатувда иштирок этар экан-ман, кўзларимга келган ёшни аранг тийиб турдим. Оқибат дея шунинг айтсалар керак.

Искандар «Дунёнинг саодати ни-мадандир?», дея сўраганида, устози Арасту шундай жавоб қилган эди: «Дунёнинг саодати муҳаббат, оқибат ва муруватдир. Бу туйғуларнинг асоси – меҳр. Меҳр – инсондаги жамики эзгу хислатларнинг онаси ҳисобланади».

Онамнинг амакиси Абдуҷамил тоғам иккинчи жаҳон урушида Укра-инада яраланади. Уни бир кекса аёл уйида даволайди. Аёлнинг кизи



ва тоғам ўртасида муҳаббат пайдо бўлади. Улардан бир қиз туғилади. Уруш тугаб тоғам қишлоққа қайтади. Рафиқаси ва кизи Украинада қолади. Тўғри, улар 50-йилларда қишлоғи-мизга келишади. Бу вақтда тоғам уй-ланган эдилар. Украиналик рафиқаси ва кизи бир ҳафта-ўн кун туриб яна ўз юртига қайтиб кетишади. Шу-шу алоқа узилади.

Яқинда тоғамнинг иккинчи ўғли Абдуҳалил акам телеграм орқали бир аёлнинг суратини юборар экан, мана шу аёл ўғай опам бўлади, топишга ёрдам бер, дедилар...

Турли йилларда қишлоғимиздан Тошкентга келиб қолган кексалар билан ҳар ойда бир марта «гап»и-миз бор. Саксон ёшли Тўлаҳўжа ака яқинда бир воқеани айтиб қолдилар. Ўтган асрнинг 30-йилларида отала-ри Россияга сургун қилинган экан. У ерда бир аёлга уйланиб, бир қиз фарзандлари бор экан.

«Сен журналистсан, ўғай опамни топишга ёрдам бер», дедилар Тў-лаҳўжа ака...


Мана иккита ҳаётини воқеа. Нима деб аташ керак? Балки оқибат дегани шудир. На исми, на манзили аниқ бўлган икки ўғай опани топишга ёрдам бера олмаслигимдан ҳамон хижолатдаман.

Аммо ўша икки воқеани сизларга етказишга, шу тариха оқибат ўлмаган-нини эслатиб қўйишга қарор қилдим.

Елим халтага солинган ғишт баҳо-насида шу фикрлар ўтди ҳаёлимдан.

Айтишадик: Бир уй тўла жонсан, бир-биринга меҳмонсан.

Шарофиддин ТўЛАГАНОВ



АЁЛИ?

Қодир Эгам аёл зотини шунчалик меҳр билан гўзал, нафис қилиб яратган экан, нега энди биз аёллар бу гўзалликка содиқ қолмаслигимиз, эркаклар бу гўзалликни, нафисликни авай-лашни ўз бурчи деб билмаслиги керак?! Бунга фақат эркаклар айбдорми?

дик. Бир кун кечаси уларнинг ховлиси-дан қаттиқ қий-чув эшитилди. Келин додлаб йиғлар, куёв бақириб-чақирар-ди. Девор-дармиён қўшниси Валижон мажбур бўлиб девордан ошиб тушди. Келинни унинг қўлидан кутқарди. Шўрлик келинни кўзи кўкариб ши-шиб кетибди. Эри кўчага рухсатимсиз чиқмайсан, деган экан, у чиққанмиш. Шунга дўппослаганмиш.

– Хотин кишини ҳам шунчалик ура-димми, – деди учта келинни ими-жимид-да олиб ўтирган Нодира опоки.

– Хотин меники, хоҳласам ўпаман, хоҳласам тепаман, – деди шифокор эр.

– Кечирасиз, у сизга хотин, сотиб ол-ган қулингиз эмас. У ҳам инсон, унинг ҳам ҳуқуқи бор. Қолаверса болангиз-нинг онаси. Унга бир гап бўлса...

– Ҳеч нарса бўлмайди, шунча кал-так еб ўлмаган энди ҳам ўлмайди, сиз аралашманг. Ҳуқуқини билган хотин



# ИККИ ЎГИТ ТАРИХИ

## Биринчи ҳикоя

Тўйчи бобо айтади (отамнинг онасининг отаси):

— Мулла бова (отамнинг отасининг отаси) ёши ўтиб қолганидан кейин жумага (намозга) боришга ярамай қолди. Ўша кезлари одамлар жумадан қайтадиган пайтни пойлаб, дарвозанинг олдида чиқиб ўтирар, ўтаётганлардан «Ҳа, Фалончи, намоздан келяпсанми?» деб сўрарди. «Ҳа, мулла бова!» дейишарди. У «Имом қайси сураларни ўқиди?» деб сўрашда давом этарди. Ҳалиги одамлар «Билмасак, қайсидир сураларни ўқиди-да», деб жавоб қайтаришарди. Шунда мулла бова «Ҳай, силарнинг намозларингни ҳам билмадим-да...», деб кўярди. Бора-бора одамлар «Имом бугун фалон-фалон сураларни ўқиди, мулла бова», дейдиган бўлди.

Бу — преамбула, яъни эпиграф. Энди амбуланинг ўзига эътибор беринг:

Ишхонамизда нафақа ёшига етиб қолган ҳожи амаки бўларди. Жума кунлари қанда қилмай намозга борар эди. Бир куни ундан «Имом қайси сураларни ўқиди, Ҳожи амак?» деб сўрадим. У киши «Билмасам, қайсидир сураларни ўқиди-да», деди бепарво. Шунда мулла бобонинг гапларини айтиб бердим. Ҳожи ака эса ҳар жума намоздан қайтганидан кейин олдимга кириб, «Бугун имом фалон ва фалон сураларни ўқиди», деб кетадиган бўлди. «Ҳожи амак, сизни тергаш учун айтганим йўқ эди, одамни хижолатда ўлдирасиз-ку», деганларимга қўймай, шу одатни тарк қилмади. «Тергадинг деганим йўқ, сени билсин дедим-да», деб мийиғида кулиб кўярди ҳар сафар.



## Иккинчи ҳикоя

Машраб бобо айтади (отамнинг отаси):

— Совет пайти Ўзбекистонга турли қардош республикалардан адиблар келарди, биз ҳам уларнинг юртида меҳмон бўлардик. Мен кўпроқ гуржиларни «оталик»қа олардим. Бир сафар гуржи меҳмоним «Сиз, ўзбеклар нега таомдан кейин фотиҳа қиласизлар, Ислому шунга даъват қиладим? Ҳамма мусулмонлар ҳам фотиҳа қилмайди шекилли?» деб сўраб қолди. «Бошқа мусулмонларни билмадим-у, лекин бизда таом учун, ризк учун Яратганга шукрона келтириш, сўнг яхши ниятлар билан Аллоҳга илтижо қилиш қатъий одат бўлиб қолган. Эҳтимол, ота-боболаримизга Ислождан олдин ҳам шукр ва яхши ният доим ҳамроҳ бўлгандир», дедим.

Шу билан бу мавзу ёпилди. Бир неча кундан кейин Самарқандга бордик. Иттифоко, гуржи дўстим меҳмонхонада бир ўзи нонушта қилишига тўғри келиб қолди. Мен тонги тановулнинг охирларига бориб қолдим. Унга узокдан кузатиб яқинлашардим. Шу пайт ажабтовур ҳолат рўй берди — меҳмон дастурхонга фотиҳа қилиб ўрнидан турди.

— Тўғри-да, — деди у, — ким қайси динга эътиқод қилишининг нима аҳамияти бор?! Барчани бирдек таомлантирувчи Раззоққа шукрона келтириш бандалик бурчимиз, бандалик одобимиз, ахир.

Мадина МАШРАБХОН

## ИНТЕЛЛЕКТ

### ҲАЛОКАТ ҚУВОНЧИ

1912 йил 11 апрелда «Титаник» кемаси уммон остига ғарқ бўлган. Йўловчиларнинг кўпчилиги ҳалок бўлганини эшитиб, бутун дунё ташвишга тушган. Аммо бу ҳодисани эшитган бир улуг рус шоири «Яхшиям уммон бор!» дея ўз хушнудлигини билдирган экан.

**Савол:** Бу билан шоир нимани назарда турган?



Жавобларни қуйидаги манзилга жўнатинг: E-mail: info@od-press.uz  
Telegram: (+998 97) 444-80-84

## ЛАТИФА

### ҚАРЗ

Хўжа Насриддин бозорда ўрик сотаётган эди. Шунда, олдида маҳалласида яшайдиган таниш бир аёл келиб:

— Ўригингиз ширинми? — деб сўради.

Хўжа Насриддин:

— Татиб кўринг, — деди.

Аёл:

— Мен рўзаман.

Хўжа Насриддин:

— Ундай бўлса, олиб бориб енг. Пулини кейин берасиз.

Ўриқни тортиб берар экан, ўйлаб

қолди: Ҳозир Рамазон ойи бўлмаса, демек...

— Қанақа рўза тутяпсиз?

Аёл:

— Уч йил аввал Рамазонда қарзим қолган эди, шунинг қазосини тутяпман.

Шунда Афанди ўриқни қайтариб жойига қўйди.

— Ҳозиргина бермоқчи эдингиз. Нима бўлди?

Афанди:

— Аллоҳдан қарздорлигингизни уч йилдан кейин узаётган экансиз, меникини ким билади қачон берасиз. Боринг, сизга қарзга бермайман, — дебди.

## ПАЗАНДАЛИК

Сизга ноодатий сомсани кўза шаклида қандай тайёрлашни кўрсатамиз. У нафақат сизнинг оила аъзоларингизни, балки меҳмонларни ҳам ҳайратда қолдиради.

**Ҳамири учун:** 800 грамм ун, 400 миллилитр илиқ сув, бир чимдим туз, 100 грамм маргарин, 1 дона тухум, 1 ош қошиқ кунжут

**Ичига солинадиган масаллиги учун:** 500 грамм кўй гўшти, 2 та картошка, 2 та пиёз, 1 та помидор, таъбга кўра туз ва мурч, таъбга кўра зира, таъбга кўра янчилган қизил қалампир, 50 миллилитр сув, 100 грамм маргарин.

Ҳамир тайёрлаймиз: Унга шўр сув ва эритилган маргарин солиб, ҳамир қорамиз ва 30 дақиқага тиндириб қўямиз.

**Ичига солинадиган масаллигини тайёрлаймиз:** Кўй гўшти, картошка ва помидорни майда тўртбурчак шаклида тўғраймиз.

Пиёзни майда қилиб тўғраймиз, саримсоқни майдалаймиз. Барчасини битта идишда аралаштириб, зирворлар сепамиз. Сув солиб, аралаштирамиз.

Ҳамирни 60-70 грамм ва кичик 40-50 грамм келадиган

бўлақларга бўламиз. Барча бўлақларни думалоқлаймиз. Қопқоқ ушлағични ясаш учун ҳам озроқ ҳамир қолдирамиз.

Битта қатта ва битта кичик бўлақли ҳамирни олиб, аввал қаттасини, сўнгра кичигини 0,2 см қалинликда ёйиб оламиз.



### Сомса-шўрва

Чуқур идиш олиб, устига ёйилган ҳамирнинг қаттасини соламиз ва устига 1,5 ош қошиқ масаллик, 20 грамм маргарин соламиз. Устидан ёйилган ҳамирнинг кичигини қўйиб, ёнларини тугиб чиқамиз. Ҳосил бўлган сомсани идишдан олиб, қопқоғининг устига кичик ҳамир бўлагини ёпиштирамиз.

Сомсаларни газ печи патнисига жойлаштириб, тухум суртиб, кунжут сепамиз. 180 даражада қиздирилган газ печига 40 дақиқа қўямиз.

Ёқимли иштаҳа!

## ЎТКИР НИГОҲ



### МУАССИСЛАР:

Ўзбекистон Касаба уюшмалари федерацияси Кенгаши;  
Ўзбекистон ёшлар иттифоқи марказий кенгаши;  
«Ўзбектелеком» акциядорлик компанияси;  
«Ўзбекистон почтаси» акциядорлик жамияти;  
«Матбуот тарқатувчи» акциядорлик компанияси;  
Акциядорлик тижорат «Алоқабанк».

Газетада интернет материалларидан ҳам фойдаланилган.  
Газета 2012 йил 20 апрелда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0814-рақам билан рўйхатга олинган.  
«Шарк» нашриёт-мағбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди.  
Босмахона манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41.

### Бош муҳаррир

Ҳусниддин  
БЕРДИЕВ

### Таҳририят манзили:

Тошкент шаҳри, 100000. Амир Темур 1-тор кўчаси, 2-уй.

Тел/факс: 234-83-45. E-mail: info@od-press.uz

Газета таҳририят компютерида терилди ва саҳифаланди.

Буюртма: Г-427  
ISSN 2181-6190  
Обуна индекси — 193

Алади: 1 282 нусха.  
Нархи: келишув асосида.  
Қоғоз бичими А-3, ҳажми 2 босма табоқ.  
Офсет усулида босилган.  
Чоп этишга топширилди: 20:00

